ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 октябрь куни «ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этар экан, бунда мамлакатимизнинг ишончли ҳамкори — «ДЭУ» компаниялари гуруҳининг ҳиссаси катта эканини таъкидлади. Ўзбекистон «ДЭУ» билан мавжуд ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш тарафдорилигини қайд этди.

«ДЭУ» компаниялари гуруҳи раиси Ким У Жунг иқтидорли ўзбек халқининг келажаги буюклигига юксак ишончини таъкидлаб, қисқа вақтда Ўзбекистонда автомобилсозликда эришилган муваффақият бунинг ёрқин далилларидан бири эканини айтди.

Суҳбат чоғида «ЎзДЭУавто» заводи ишлаб чиқариш қувватини ошириш, автомобилларнинг бутловчи материалларини Ўзбекистонда тайёрлаш, жаҳон бозорида рақобатбардошли янги двигателлар ишлаб чиқариш, тўқимачилик, пахта савдоси, телекоммуникация соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири Ўткир Султонов, Марказий банк бошқаруви раиси Файзулла Муллажонов, «Ўзавтосаноат» ассоциацияси раиси Қудрат Парпиев иштирок этди.

Қабул маросимида «ДЭУ» компанияси президенти, «ЎзДЭУавто» компанияси раиси Кван Ки Ли қатнашди.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 октябрь куни Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятийни қабул қилди.

Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ривожидан мамнуният билдириб, минтақада ўзининг алоҳида мавқеига эга Эрон Ислом Республикаси раҳбарияти билан тез-тез ўзаро фикр алмашиб туриш катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, минтақавий хавфсизлик, жумладан, Афғонистондаги вазиятга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов ва ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.



СУРАТДА: қабул пайти.

А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Қабул чоғида Эрон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳсин Покойин ҳозир бўлди.

(ЎзА).

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 17 октябрь, пайшанба № 134 (22.055).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИ

Савол. Ислом Абдуғаниевич! Кейинги пайтда Россиянинг айрим оммавий ахборот воситалари томонидан Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодиётдаги демократик бозор янгиланишлари бузиб кўрсатилаётгани, нохолис ёндашилаётганига муносабатингизни билмоқчи эдик...

Жавоб. Бу саволга жавоб бериш учун СССР барбод бўлганидан кейин бу ҳудудда юзага келган икки асосий муаммога тўхталиш лозим.

Биринчидан, эски тузум соғинчи азоб бераётган ҳамда собиқ Иттифоқни у ёки бу шаклда қайта тиклаш истаги билан яшаётган Москвадаги айрим сиёсатчилар ва уларга хизмат қилаётган матбуотга бугунги кунда БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган суверен Ўзбекистоннинг мустақил йўли тинчлиқ бермаяпти.

Улар ўтмиш қолипидан, салтанат даъвосидан, бугунги кунда ҳам ўзларининг собиқ шўролар ҳудудидаги мустақил давлатлар билан муносабатини оға ва ини ақидасига мослаб қуриш, эски, уларнинг тушунчаси бўйича яхши даврлардаги сингари, ҳамма нарсани марказдан туриб ҳал қилиш истагидан қутула олишмаяпти.

Айнан мана шу кайфият айрим «мустақил» деб аталмиш газеталарда бирёқлама мақолалар чиқишига сабаб бўлаётир.

Эртами-кечми, барибир бу касалдан фориғ бўлишга тўғри келади. Бу қанча тез бўлса, шунча яхши. Бундан ҳамма манфаат кўради.

Биз эса, катта-кичик давлатлар, катта-кичик халқлар бўлмайди, балки халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари бор ҳамда улар бир-бирини ҳурмат қилиши керак, деган ақидадан келиб чиққан ҳолда барча давлатлар ва халқлар билан муносабатимизни тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосга қуришни истаймиз.

Биз барча узоқ ва яқин қўшниларимиз, биринчи навбатда демократик кайфиятдаги Россия билан, кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик ришталари билан боғланган рус халқи билан яхши муносабатда бўлишга интиламиз.

Бизнинг сиёсатимиз энг аввало ана шу ақидалар ҳамда мустақил Ўзбекистоннинг ҳаётий манфаатларига асосланган ҳолда шаклланиб келган ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Иккинчидан, собиқ шўролар ҳудудидаги кўпгина давлатлар бугунги кунда иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушгани айтиш мумкинки, боши берк кўчага кириб қолгани ҳеч кимга сир эмас. Энг аввало оддий кишиларнинг оғир аҳволга тушиб қолгани ислоҳотларнинг дастлабки пайтида ўжарлик билан ўтказилган «фалаж қилиб даволаш» деб ном олган жараённинг натижаси бўлиб, бундай оқибат одамларда норозилик туғдирмоқда. Ваъдалар ваъдалигича қолиб, барқарорлик ўрнатилиши ва оғир вазиятдан чиқиб олишнинг янги-янги муддатлари охири кўринмаяпти.

Бундай аҳволни оқлашнинг кенг тарқалган изоҳи — бугунги аҳвол бозор иқтисодиётига ўтиш, эски ижтимоий муносабатларнинг парчаланиши жараёнининг муқаррар натижаси, деган гап бўлиб қолди. Собиқ шўролар ҳудудидаги барча давлатлар бошидан кечираётган муқаррар фалокат, гўё СССР барбод бўлганидан кейин иқтисодий ва молиявий алоқаларнинг узилгани оқибати эмиш.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларни, халқ тафаккур тарзини чуқур билиш ва уларни ҳисобга олган ҳолда демократик бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидан ишонч билан, дадил бораётгани, бу йўлнинг, янгиланишларнинг босқичма-босқич амалга оширилаётгани ҳамда кучли ижтимоий сиёсат билан уйғунлиги умумий манзарага «қовушмай» турибди.

Ислоҳотларнинг дастлабки даврида чекинмасдан, аксинча, жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги устувор йўналишларни танлаш ва амалга оширишни ўз зиммасига олган, сиёсат, кишиларни ва ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, бозор ислоҳотларига хос, ҳақиқатан ҳам муқаррар бўлган қийинчилик ва камчиликларни иложи борича камайтириш, юмшатиш учун имконият даражасидаги ҳамма ишни қилишга қаратилган Ўзбекистон давлат сиёсати мамлакатимиздаги вазиятнинг, ўзгалардан фарқли ўлароқ, мўтаъдил бўлиб турганига сабабчидир.

Собиқ шўролар ҳудудидаги давлатлар тараққиётининг кейинги беш йилдаги натижаларини олиб кўринг. Уларнинг аксарияти бугун барқарорликнинг эндигина белгиланаётган ёки кўзга ташланаётган куртаклари ҳақида жуда кўп гапирмоқда.

Лекин бу солиштириш ва қиёслаш қайси даврга нисбатан қилинмоқда? Маълум бўлишича, ўтган 1995 йилга нисбатан экан. Агарда оддий мантиқ тақозосига кўра, куртаклар деб айтилаётган ўша кўрсаткичларни ислоҳот бошланган 1990 йил билан қиёслаб кўрсак-чи, у ҳолда нимани кўрамиз? Амалда иқтисодиётнинг барча соҳасида 50-70 фоиз ўпирилишни кўрамиз. Ёки бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги даражаси ҳамда шунга биноан аҳолининг турмуш даражаси кўрсаткичлари бугунги кунда 60-70 йиллар даражасига тушиб қолгани маълум бўлади. Мана сизга ҳаётнинг шафқатсиз ҳақиқати.

Айримларга ўхшаб, Ўзбекистоннинг мустақиллик ва суверенитет йилларида эришган ютуқлари ҳақида жар солишни истамас эдим. Лекин шуни қатъий айтиш мумкинки, биз мамлакатимизда бундай ўпирилишларга йўл қўймадик.

МДҲнинг халқаро статистик қўмитаси эълон қилган объектив статистик кўрсаткичлар ҳам кўп нарсани айтиб турибди. Умумий ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, умуман Ўзбекистон иқтисодиёти тараққиёти 1996 йилда 1990 йилдагига нисбатан камайгани йўқ. Аксинча, жуда кўп соҳаларда барқарор ўсиш таъминланмоқда.

Биз шу йиллар мобайнида иқтисодиётни мунтазам ва барқарор ривожлантиришнинг мустаҳкам асосини, пойдеворини яратдик. Сармоя сарфлаш дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ички сармоя ва хорижий сармоя ҳисобидан янги иншоотлар ва корхоналар қурилмоқда, янги илғор тармоқлар барпо этилмоқда. Таркибий қайта қуриш давом этмоқда. Иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришилди, миллий валюта мустаҳкамланмоқда.

Нодавлат сектори, хусусий корхоналар иқтисодиётда муҳим ўринни эгаллаб турибди, ўрта ва кичик бизнес тез ривожланиб бормоқда. Аслида ўртаҳол мулк эгалари синфи шаклланмоқда. Қисқа қилиб, Ўзбекистонда бозор ислоҳотлари ва демократик янгиланишлар барқарор тус олди, дейиш мумкин. Бу ҳақда, менимча, республикамиз парламенти — Олий Мажлиснинг сўнгги сессиясида ҳам ишонарли тарзда гапирилди. Аммо, энг муҳими, буни фақат Ўзбекистондагина эмас, ундан ташқарида, олисда ҳам кўриб ва сезиб туришибди.

Бу айрим сиёсатчилар ва ахборот воситаларининг зардасини қайнатаётган иккинчи муаммодир.

Ўзбекистоннинг ютуқлари уларнинг ғашини келтирмоқда, бизнинг муаммоларимиз, хато ва нуқсонларимиз эса уларни хурсанд қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулаверади.

Айрим Россия газеталарининг саҳифаларида пайдо бўлаётган турли

(Давоми 2-бетда).

УЛКАН ТЎЙГА УЛКАН ТАДБИРЛАР

ХОРАЗМ. Вилоятнинг санъат ва маданий-маърифий муассасалари, ташкилотларида буюк жаҳонгир Амир Темурнинг 660 йиллик таваллудига бағишлаб қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Огаҳий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри ижодий жамоаси Соҳибқирон юбилейига бағишлаб махсус театрлаштирилган томошаларни аҳолига намойиш қилмоқда. Шунингдек, Қурбон ота Исмоилов номидаги вилоят кутубхонасида ушбу санага бағишланган китоб кўргазмаси, Хева «Ичанқалъа» музей-қўриқхонасига қарашли муассасаларда ва Урганч суратлар галереясида Амир Темур ва Темурийлар даврини акс эттирувчи махсус экспозициялар ташкил этилди.



Ўша даврда яратилган маданият ва санъат асарларини, ундан кейин яратилган ёзма манбаларни кенг китобхонлар оммасига етказиш бўйича қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Урганч шаҳар ва барча туманлар кутубхонларида, мактабларда китобхонлар анжуманлари, учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

***

ТОШКЕНТ. Зангиота тумани марказий кутубхонасида ўтказилган «Темур салтанати» деб номланган адабий-мусиқий дастурда халқимиз тарихи, Соҳибқирон ҳаётининг ҳаяжонга бой даври саҳнага олиб чиқилганлиги барчанинг эътиборини жалб этмоқда.

***

Пискент туманидаги Музайяна Алавия номли кутубхонада «Мозийга бир назар» деб номланган кеча ўтказилди. Соҳибқироннинг Мовароуннаҳрни озод ва обод этиш, мамлакатни дунёнинг гўзал жойларидан бирига айлантириш бобида олиб борган ишлари ҳақидаги қизиқарли саҳналар мухлисларга маъқул тушмоқда.

***

Юқори Чирчиқ тумани марказий маданият уйида «Мовароуннаҳр салтанати» деб номланган тадбир мухлислар ҳукмига ҳавола этилди. Унда буюк Соҳибқиронинг мўғуллар истилосига барҳам бериш, Самарқандда ободончилик ишларини ривожлантириш, маърифатга кенг йўл очиш каби хайрли ишларидан ҳикоя қилувчи саҳна кўринишлари ўзининг жозибадорлиги билан ажралиб турганлиги катта-ю кичикда бирдек қизиқиш уйғотди.

Соҳиб САЛИМОВ.

Бугун Самарқанд беқиёс ўзгаришлар оғушида. Шаҳрисабз, Хева, Қўқон, Бухоро ва Тошкентдан ташриф буюрган қўли гул усталар самарқандлик ҳамкасблари билан ҳамкорликда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ишларини қизғин олиб боришяпти. Шу кунгача Гўри Амир мақбарасининг ўзидагина 32 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Даврлар ўтиши билан иккита миноранинг бор-йўғи 11 метрлик қисми сақланиб қолган эди. Усталарнинг заҳматли меҳнати натижасида у асл ҳолига келтирилиб, баландлиги 22 метр қилиб қайта тикланди. Шунингдек, Бибихоним, Оқсарой масжидлари, Регистон майдони ва бошқа бир қатор қадимий обидалар бугун қайтадан яшарянти.

Суратларда: 1. Таъмирчи-рассом Ражаб Маърупов. 2. Ёғоч ўймакорлиги усталари Самад Маърупов ва Латиф Рашидов.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Обуна — 97

ЯХШИЛИК ВА ЯНГИЛИК ЖАРЧИСИ

«Ўзбекистон овози» газетасини ғиштдан пардоз бериб кўтарилган гўзал иморатга ўхшатаман. Биласизки, гўзал ва мўъжаз иморатнинг ҳар бир ғишти одамга қизиқ туюлади.

«Ўзбекистон овози» яхшиликнинг жарчиси. Турмушнинг афзал томонларини тушунарли қилиб, яққол кўрсатиши, таҳлил этиши чарчаган одамга ҳордиқ, қийналган одамга таскин, ишлайман деган одамга куч-қувват бахш этгандай бўлади.

Газетага ҳамиша, ҳар йили обуна бўлишимнинг маъноси — шу. Қишлоқларимизда газета дўконлари йўқ.

Шундан келиб чиқиб, биз жамоамизда пул ўтказиш йўли билан «Ўзбекистон овози»га 150 нусхага обуна бўлишга қарор қилдик.

Мавриди келганда қисқача ҳозирги ишларимиз ҳақида гапирсам: бу йил 7 минг тоннага яқин ғалла етиштирдик. Давлат шартномасидан ортиб қолган 2 минг тонна буғдойни жамоа аъзоларига арзон нархда сотдик. Ҳар бир ишловчига 400 килограммдан буғдой улашилди. Бундан 5 йил аввал Қасаба деган даштда яратган мевали боғимиз, узумзоримиз бу йил тўла ҳосилга кирди. Шу тариқа одамларга егулик топиб беряпмиз, дастурхонини обод қилиб қўйяпмиз. Пахта майдонининг ҳар гектаридан қарийб 40 центнердан ҳосил олдик, етти минг тоннадан зиёд пахта тайёрлаб, бу борадаги режани ҳам вилоятда пешқадамлар қатори бажардик.

Қишлоқларимиз юз фоиз газлашди. Хонадонларимиз ичимлик суви билан тўла таъминланди.

Хуллас, «Ўзбекистон овози» газетаси бизга ҳамдам-ҳаммаслак бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Негаки, бу ғазета — халқ газетаси!

Эргаш ЖУМАЕВ,
Қумқўрғон туманидаги С. Бойматов номли жамоа хўжалиги раиси.

ЯНА 100 КИШИ ОБУНА БЎЛАДИ

Шаҳрихондаги 37-автокорхонада бошланғич партия ташкилоти тузилди. Туманда етмишинчи деб қайд этилган бу ташкилотнинг биринчи таъсис йиғилишида ЎзХДП Шаҳрихон туман кенгаши биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Мухторжон Отабоев партия сафига янги қабул қилинган автокорхонанинг илғор ишчилари Атҳамжон Деҳқонов ва Авазбек Нуралиевларни табриклаб партия билети билан бирга «Ўзбекистон овози»нинг 1997 йил учун обуна квитанцияларини топширди.

Йиғилиш сўнггида автокорхона раҳбари Муҳаммаджон Қурбонов сўзга чиқиб, 600 дан зиёд киши меҳнат қилаётган бу жамоада бугун «Ўзбекистон овози»га 11 киши обуна бўлганлигини, обуна мавсуми охиригача яна 100 нафар ишчи корхона ҳисобидан қадрдон газетага ёзилажагини маълум қилди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ФОЙДАЛИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкент автомобиль йўллари институтида «Марказий Осиё минтақасида автомобиль транспорти ва транзит коммуникацияларнинг ривожлантириш муаммолари»га бағишланган халқаро анжуман иш бошлади. Унда АҚШ, Англия, Германия, Дания, Эрон, Франция ва бошқа чет элдан келган олимлар, етук мутахассислар, меҳмонлар иштирок этишмоқда. Уни ўтказишдан асосий мақсад Марказий Осиёда автотранспорт ва транзит йўлларини ривожлантиришдир. Анжуман иштирокчилари уч кун давомида кўпгина муаммолар тўғрисида фикр алмашадилар.

— Анжуманнинг институтимизда ўтказилиши бизни беҳад қувонтирди—дейди институт ректори, профессор Сарвар Қодиров.— Республикамиз қўчаларида «ЎзДЭУавто»нинг «Нексия», «Дамас», «Тико» енгил автомобилларини кўплаб учратяпмиз. Албатта, бу Ўзбекистонимизнинг ўтган беш йил ичидаги энг катта ва салмоқли ютуқларидан бири. Бизнинг эндиги ниятимиз эса яқин йилларда мустақил давлатимизнинг янги нусхадаги автомашиналарини яратиш. Бу борада ҳам дастлабки амалий ишлар бажарилмоқда. Яқинда ёш олимларимиз томонидан енгил автомашинанинг устки қисми яратилди. Худо хоҳласа, кўркам ва енгил автомашиналарга эга бўламиз...

Анжуманда божхона, йўл қурилиши, юк ташиш ва бошқа масалалар бўйича ҳам ўзаро фикр юритилди. Халқаро анжуман бугун ўз ишини якунлайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларини рўйхатдан ўтказиш бўйича комиссияси ўз мажлисида «Ипак йўли» инновация-тижорат банкининг валюта назорати функцияларини амалга ошириш борасидаги фаолиятини кўриб чиқиб, валютани тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Марказий банк меъёрий ҳужжатлари талабларини бузганлиги учун мазкур банкка берилган чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи бош лицензияни қайтариб олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

БИЗ ЎЗ КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРИМИЗГА ИШОНАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

уйдирмалар ва бўҳтонлар, сиёсатимизни бадном қилишга, миллатлараро нифоқ ва ишончсизлик уруғини сочишга қаратилган иғвогарлик ҳаракатлари ана шунга асосланган. Шу мақсадда бизнинг умумий тарихимиз, Марказий Осиёда яшаётган миллатлар ва халқларнинг тарихи тафтиш қилинмоқда.

Эркин матбуот хоҳлаган нарсани ёзишини, содир бўлаётган воқеаларни ўзича кўриб, уларга ўзича баҳо бериши мумкинлигини, ўз фаразлари бўлишини тушунамиз. Бу табиий ҳол. Лекин ўзини демократик ва маърифий деб ҳисоблаган бирорта мамлакатда атайлаб миллатлараро нифоқ чиқаришга, миллий қадриятларни таҳқирлашга қаратилган уйдирма ва бўҳтонлар, умумэътироф этилган мавжуд чегара ва ҳудудларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги чақириқларга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз ҳаммамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак: мамлакатимизни ичдан емиришга уринишмоқда. Шу сабабли мен осойишталигимиз ва келажагимиз учун фақат Ўзбекистон халқлари билан бир қаторда, Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудида яшовчи барча халқларнинг ҳамжиҳатлиги, ҳамкорлиги ва бирлиги ҳам зарур, деб қатъият билан айтмоқдаман. Шу заминда яшайдиган ҳар бир кишининг онгига Туркистон бизнинг умумий уйимиз, деган муқаддас тушунчани сингдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу уйни биз биргаликда асрашимиз лозим.

Савол. Гўё пул ислоҳоти бўлиши ва ўзбек сўмини қатъий валютага алмаштириш муаммолари тўғрисида тарқатилган миш-мишлардан мақсад нима деб ўйлайсиз?

Жавоб. Улар ҳам мен юқорида айтган мақсадларни кўзда тутишмоқда. Ўзбекистон ҳукумати ўтказаётган сиёсатни бадном қилишга, аҳоли орасида ишончсизлик ва шубҳа уруғини сочишга ва шу йўл билан республикадаги вазиятни беқарорлаштиришга ҳаракат қилишмоқда.

Бу саволга жавобан яна нималар дейиш мумкин? 1993 йилда биз муомалага чиқарган миллий валюта — сўм ҳозирги вақтда барқарор мустаҳкамланиш тамойилига эга. Бунга, аввало, ислоҳотларни амалга ошириш натижасида умумий иқтисодий барқарорлашиш, 1996 йилнинг бошларида кўзга ташланган ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатлари ва ички истеъмол бозорининг рақобатбардошли товарлар билан тўлдирилгани ёрдам бермоқда. Молиявий барқарорлик, давлат бюджетидаги камомад ҳажмининг жуда камлиги келишилган ҳолда бўлиши ўзаро тўловлар масалаларининг ҳал қилингани, давлат қарзининг йўқлиги ва энг муҳими — бизда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар, нафақалар тўлашда қарзнинг йўқлиги ҳам ўз валютамиз барқарорлиги туфайлидир.

Бундан ташқари, миллий валюта — сўмнинг хорижий қатъий валютага нисбатан қийматининг барқарорлигини ҳам эътиборга олиш керак. Деярли барча вилоятларда, шаҳарлар ва туманларда сарфланаётган сармоя ҳажмининг тобора ортиб бораётгани, республика иқтисодиёти учун ҳаётий муҳим ишлаб чиқариш иншоотлари қурилаётгани ва ишга туширилаётгани ҳам миллий валюта барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодиётида бундай барқарорликни кузатиш қийин.

Энг муҳими, миллий валютани мустаҳкамлашда мамлакат олтин-валюта заҳирасининг аҳамияти жуда катта. Мамлакатимиз фуқароларини ишонтириб айтишимиз мумкинки, бу хусусда ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак. Давлатимиз заҳиралари, қисқа қилиб айтганда, кўпайиб бормоқда. Буни, аввало, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар тасдиқламоқда.

Яна бир муҳим далилни келтириш мумкин. Ҳозирги вақтгача Ўзбекистонда қиймати 200 ва 500 сўмлик қоғоз пуллар ҳалигача муомалага чиқарилмагани ҳам пул ва молия тизими барқарорлигидан далолат беради. Бундай пуллар қатъий зарурат бўлган тақдирдагина муомалага чиқарилади. Айни пайтда бошқа қўшни мамлакатларда 5, 10 ва ҳатто 100 минг сўмлик пуллар кўпдан буён муомалада юрибди.

Хуллас, тарқатилаётган миш-мишлар ва ғаразли уйдирмаларга ҳеч қандай асос йўқ.

Пул муомаласида бизда ҳеч қандай муаммо йўқ, деб бўлмайди, албатта. Бу борада жиддий муаммолар ҳам мавжуд, лекин улар ҳал этиш ва назорат қилиш мумкин бўлган муаммолардир.

Ҳозир республикада сўмни нақдина ва нақдсиз қатъий валютага алмаштиришда тартиб ўрнатиш чоралари кўрилмоқда. **Бу чораларнинг ҳаммаси аввало чайқовчилик, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш коррупция ва порахўрлик ҳолларини бартараф этишга қаратилган.** Қисқа қилиб айтганда, яна бир бор такрорлайман: бу саъй-ҳаракатлар молия ва банк ислоҳотларининг бу муҳим соҳасида тегишли тартиб ўрнатишга хизмат қилади.

Айни пайтда шуни айтмоқчиманки, республикада сўмни қатъий валютага алмаштириш ҳажми камаймаяпти, аксинча кўпайиб бормоқда. 1995 йилда конвертациялаш ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари бўлган бўлса, 1996 йилда сўмни қатъий валютага алмаштириш тахминан бир ярим баравар кўпайиб, 2 миллиардан зиёд АҚШ долларини ташкил этади.

Таъкидлаш керакки, бу жараёнда хорижий шериклар билан биргаликда барпо этилган бирорта корхона ва қурилаётган ҳамда ишлаб турган супермаркетлар, республикамизга ички бозор учун зарур, такрор айтаман, зарур истеъмол моллари ва хизматларни олиб келаётган йирик воситачи ҳуқуқий шахслар, шунингдек, республикамизга илғор, замонавий техника ва технологияни етказиб бераётган қўшма сармоя лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этаётган шерикларимиз четлаб ўтилмаслиги ёки камситилмаслиги керак. Бу масалалар қатъий назорат остига олинади.

Савол. Ҳозирги пайтда жаҳон жамоатчилиги ва Афғонистонга қўшни мамлакатлар аҳолисининг диққат-эътибори бу мамлакатда содир бўлаётган фожиали воқеаларга қаратилган. Қўшни Афғонистонда вужудга келган вазиятни Сиз қандай баҳолайсиз?

Жавоб. Афғонистонда юз бераётган воқеалар барча мамлакатларнинг жамоатчилиги ва раҳбарларини, биринчи навбатда Афғонистонга қўшни бўлиб яшаётган кишиларни ташвишга солмай қўймайди.

Афғонистонда фуқароларнинг биродаркушлик уруши 18 йилдан буён давом этмоқда. Ўша вақтда айтилганидек, «ўз байналмилал бурчини бажариш», «халқаро империализм кирдикорларига йўл қўймаслик учун» совет қўшинлари чекланган қисмининг мустақил Афғонистон ҳудудига киритилиши бу урушнинг бошланишига асосий сабаб бўлган эди.

Бунинг оқибатида ўн минглаб собиқ Совет Армияси аскарлари ҳалок бўлди, майиб-мажруҳ этилди. Хароб бўлган тақдирлар, оналар ва аёлларнинг йиллаб, ҳатто ўн йиллар давомида ҳам тузалмайдиган ғамзадалиги ҳам ана шу уруш натижасидир. Юз минглаб нобуд бўлган афғонистонликлар, миллионлаб қочоқлар, ёндирилган шаҳар ва қишлоқлар, жафокаш Афғонистон халқининг тақдиридаги қонли воқеалар ва беадоқ ғам-алам шу уруш туфайлидир. Ҳадемай Афғонистон ҳудудидан совет қўшинлари олиб чиқиб кетилганига 9 йил тўлса-да, фуқаролар уруши тўхтагани йўқ, аксинча, авж олянти.

Афғонистонда ҳокимиятни эгаллаш учун этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар олиб бораётган уруш гоҳ у, гоҳ бу томоннинг вақтинчалик устунлиги билан давом этмоқда. Сиёсий партиялар ҳам, уларнинг етакчилари ҳам асосан аҳолининг турли этник гуруҳлари ва кучли қариндош тўдалар намояндалари бўлиб, уларнинг тарихи, ўзаро алоқаси, мақсадларини бир қарашда аниқлаш жуда қийин. Бунинг устига, фуқаролар уруши йилларида бу партиялар, этник ва диний гуруҳлар бир неча бор турли блокларга қўшилдилар — улар гоҳ қабилалараро зиддиятда иттифоқдош бўлдилар, гоҳ «жиҳод» ёки муқаддас уруш эълон қилиб, ўзларининг кечаги иттифоқдошлари билан ўзаро шафқатсиз кураш олиб бордилар ва олиб бормоқдалар. Ҳокимият учун бўлган бу аёвсиз қабилалараро урушда халқ манфаатлари, унинг бугуни ва эртаси четда қолиб кетмоқда.

Бу даврда Афғонистонда тинч яратувчилик меҳнатидан мосуво, асосан жанг қилиш ва одам ўлдиришни биладиган авлод кучга кирмоқда.

Бугунги кунда Афғонистон халқаро террорчиликнинг, қурол билан савдосотиқ қилишнинг хавфли манбаига, жаҳон бозорига асосан гиёҳванд моддалар етиштириб берувчи мамлакатлардан бирига айланди.

БМТ маълумотларига кўра, Афғонистонда йилига икки ярим минг тоннадан зиёд гиёҳванд моддалар етиштирилади ва турли йўллар билан дунёнинг кўплаб минтақа ва мамлакатларига тарқатилади. Афғонистон бугун бутун Марказий Осиё минтақасидаги, бутун дунёдаги ўта хавфли қарама-қаршилик ва портлашларнинг манбаидир. Буни кўплаб давлат ва халқаро ташкилотлар, биринчи навбатда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тушуниб ета бошлади.

Бизнинг имонимиз комилки, Афғонистондаги урушни фақат бир шартга амал қилгандагина тўхтатиш мумкин: Афғонистоннинг ички ишларига ҳеч ким аралашмаслиги керак. Ва биринчи навбатда Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган гуруҳларга ажал қуроллари етказиб беришни тўхтатиш лозим.

Қурол-яроғ етказиб бериш давом этар экан, Афғонистондаги урушни тўхтатиб бўлмайди. Айни шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Афғонистонга қурол олиб киришни тақиқлаш тўғрисидаги таклиф билан чиқди.

Ўзбекистоннинг бу таклифи амалда барча буюк давлатлар, Европа парламенти, жафокаш афғон заминида биродаркушлик урушининг тўхталишига, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига тилда эмас, амалда манфаатдор бўлган яна кўплаб мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Биз бугун дунёда жуда кўп шов-шувга сабаб бўлган толибларни Афғонистонда бир-бирига қарши жанг қилаётган томонлардан бири деб биламиз. Чет эл оммавий ахборот воситалари уларнинг ўта мутаассиблиги, экстремистлиги, ўз рақибларидан аёвсиз ўч олиши, ҳокимият ва бошқарувнинг ўрта асрларга хос бўлган шафқатсиз усулларини нафақат Афғонистонда, балки унинг ташқарисида ҳам ўрнатиш режалари борлиги ҳақида кўп ёзмоқда.

Табиийки, Кобулда ва бутун Афғонистонда ҳукм сураётган бундай аҳвол барчамизни ташвишлантирмай қолмайди. Биз Афғонистоннинг ички ишларига аралашиш фикридан йироқмиз. Бироқ, ҳарбий ҳаракатлар бизнинг жанубий сарҳадларимизга яқинлашаётган пайтда чегараларимизнинг ва мамлакатимиз ҳудудининг хавфсизлиги учун хавотирланмаслигимиз ва ташвишланмаслигимиз мумкин эмас.

Шу йил 4 октябрь куни Алматида бўлиб ўтган Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон давлат бошлиқларининг Россия Бош вазири В. Черномирдин билан бўлган учрашувида бу ҳақда гапирилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Биз Афғонистондаги уруш мамлакатимизда истиқомат қилаётган одамларнинг тинч меҳнати ва осойишталигини бузмаслиги учун зарур бўлган ҳамма ишни қиламиз. Ва бунинг учун бизда етарли куч ва имкониятлар бор.

Яқинда матбуот саҳифаларида гўё толиблар бошқа кучлар билан бирлашиб, шимолга қараб ҳаракат қилинаётгани, жумладан Ўзбекистон ҳудудининг Бухорогача бўлган қисмини эгалламоқчи экани ҳақидаги гапларни ҳеч қандай асосга эга бўлмаган сафсата деб ҳисоблайман.

Биринчидан, ҳозир қўшни мамлакатларнинг ҳудудига қандай кўринишда бўлмасин, даъво қиладиган замон эмас. Умуман, ўзи бундай баёнотнинг бўлганига ҳам ишониш қийин.

Иккинчидан, хоҳ-лаймизми-йўқми, бундай баёнотлар давлатлараро муносабатлардаги тангликни янада чуқурлаштиради ва ноўрин хавотир уйғотади. Баъзида эса аҳолининг маълум қисмида таҳликали кайфият туғилишига ҳам сабаб бўлади. Бунга эса мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Учинчидан, бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли кучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, кимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор.

Ва ниҳоят, бугун ёки эртага Кобулда ҳокимият тепасига ким чиқишидан қатъи назар, ўзаро курашаётган томонларга бир нарса аён бўлиши керак. Афғон фожиасини сиёсий, тинч йўл билан ҳал қилишдан ўзга чора йўқ. Уруш ва қурол билан бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди.

Фақат барча қарама-қарши курашаётган томонлар, ҳамма этник, ҳудудий ва диний гуруҳлар иштирокидаги сиёсий, тинч музокараларгина Афғонистоннинг ички муаммоларини ҳал этиши мумкин.

Бу музокаралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳомийлиги остида, Ислом конференцияси ташкилоти ҳамда бошқа манфаатдор халқаро ташкилотларнинг иштирокида ўтказилиши керак.

Бу урушга барҳам беришнинг ягона йўлидир.

Янгиликдан хабарингиз борми?

ЗУҒУМ ЭМАС, ХОЛИС ХИЗМАТ

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолиятлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Республика Президентининг 1996 йил 8 августдаги «Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Қишлоқ хўжалик вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси, вилоят аграсоноат уюшмалари ва республика миқёсидаги ишлаб чиқариш бирлашмаларининг назорат-тафтиш бўлимлари тузатилиб, уларнинг ўрнида шартнома асосида фаолият кўрсатадиган, хўжалик ҳисобидаги «Агротаҳлил» аудиторлик фирмаси ташкил этилди. Унинг иш фаолияти, вазифалари ҳақида фирма бошқаруви раиси Равшан НАРЗИЕВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди.

— Аудитнинг, яъни аудиторлик фирмасининг асосий вазифаси текширувларни сифатли ўтказиш, текшириш билан боғлиқ бошқа аудиторлик хизматлари кўрсатиш, текширилаётган хўжалик субъектининг раҳбариятига текширув чоғида аниқланган бухгалтерия ҳисобкитоб ҳамда молия-ҳисобот ҳужжатларига доир нуқсон ва камчиликларни маълум қилишдан иборат.

Ҳозир вазирлик тизимида 1325 та жамоа хўжалиги, 210 та ширкат уюшмаси, 117 та деҳқон-фермер хўжалиги, 105 та ижара хўжалиги, 1336 та чорвачилик акционерлик жамияти ҳамда 1540 та яқин мулкчиликнинг бошқа шаклидаги ташкилот, фирмалар, жами 4633 та хўжалик ва ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Кўп йиллар мобайнида ҳукмрон бўлган давлат мулки ўрнига жамоа ва хусусий мулкдорлар вужудга келди. Ишбилармон мулк эгаси ўз мулкидан самарали фойдаланиш учун уни тўғри ҳисобга олиш ва назорат қилиш усулларини қўллаши шарт. Шу сабабли Аудит текшириш ўтказиш тартиби бу хўжалик ва ташкилотларда тобора кенг қўлланилмоқда.

Илгари назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлими мутахассислари томонидан ўтказиладиган тафтишлар вазирлик раҳбарияти томонидан тасдиқланган йиллик иш режаси асосида вазирлик раҳбариятининг буйруқ ёки фармойишига биноан ўтказилар ва тафтиш натижалари вазирликка қарашли уюшма ва бирлашмаларда муҳокама этилиб, тегишли қарор ёки буйруқлар қабул қилинар эди.

Аудит томонидан ўтказиладиган тафтишлар эса бундан тубдан фарқ қилади, яъни у аудит билан хўжалик ўртасида тузиладиган шартнома асосида олиб борилади. Аудиторлар ўз вазифаларини бажариш чоғида сир сақлаш қоидаларига қатъий риоя этишга, мижозга зарар етказиши мумкин бўлган маълумотларни фақат суд талабига биноан ошкор этишга мажбур.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик, мулкчилик ва давлат корхоналари ҳақида бир қанча қонунлар қабул қилиниши туфайли Ўзбекистонда қўшма ва кичик корхоналар, кооперативлар ва ижара пудратида ишловчи ҳамда хусусий корхоналар, акционерлик жамиятларининг ташкил этилишига кенг йўл очилди. Натижада бу субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш учун аудитор фирмалари тузиш замон талабига айланди.

Бинобарин, ҳозир барча вилоят агросаноат уюшмаларининг назорат-тафтиш бўлимлари тугатилиб, уларнинг ўрнига кўптармоқли «Агротаҳлил» аудиторлик фирмаси шўъбалари тузилди. Чунончи, Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида шундай шўъбалар ўз фаолиятини бошлаб юборди. Тошкент вилоятида 195 та, Сирдарё вилоятида 169 та, Фарғона вилоятида 203 та, Наманган вилоятида 201 та ва Сурхондарё вилоятида 171 та жамоа, деҳқон-фермер, ижара хўжаликлари, ширкат уюшмалари, чорвачилик акционерлик жамиятлари ва мулкчиликнинг бошқа шаклидаги ташкилот, фирмалар билан аудиторлик текширишлар ўтказиш тўғрисида икки томонлама шартномалар тузилди.

Ўтказилаётган аудиторлик текширишлар давомида хўжалик, ташкилот ва корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятини таҳлил қилибгина қолмай бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва уни такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмай ётган ички имкониятларни аниқлаш ва улардан унумли фойдаланиш юзасидан тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ.



СУРАТДА: Шеробод туманидаги Эшбой Бердиев номли жамоа хўжалиги илғор механизаторлари Йўлдош Примқулов, Шароф Чориев ва Жовли Примқулов.
И. ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

АВТОМОБИЛЛАР ХАРИДОРИ КЎПАЙМОҚДА

«Қорақалпоқавтотеҳхизмат» ҳиссадорлик жамиятининг Нукусдаги марказий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси дарвозасидан навбатдаги автомобиль чикди.

— Фақат яхши кунларга мининг, — тилак билдирди ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси Жолдасбай Сарсенбаев ярақлаган «Дамас» эгасига. Бизга эса изоҳ берди. — Бугун ҳисобига ўн бешинчи автомобиль сотилди.

Иш вақти тугаётган бўлишига қарамай, одамлар гавжум — улар орасида пулини белига тугиб келганлар ҳам бор, автомобилларнинг афзалликларини ўз кўзи билан кўриш истагидагилар ва шунчаки томошабинлар ҳам бор. Таассуротлар эса бир хил — гижинглаган тойчоқдек машиналар кўзингни олади, уни сотиб олиш истагида ёнасан.

Бундай истакдаги кишилар учун барча имкониятлар бор. Фақат Нукусда эмас, «Автотеҳхизмат»нинг туманлардаги саккизта шаҳобчасида ҳам «ЎзДЭУавто» автомобилларини сотиб олиш мумкин. Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш учун ҳозирданоқ шароит яратиляпти — бир гуруҳ ишчилар Жанубий Корея автокорхоналарида, Тошкентда малака ошириб қайтишди. Яқинда яна бир гуруҳ ана шу мақсадда Жанубий Кореяга жўнаб кетади.

«Автотеҳхизмат» биносида жойлашган «Асакабанк»нинг Нукусдаги бўлими ходимлари учун ҳам ҳозир тиғиз иш вақти — улар харидорларга кредитга автомобиль сотиб олиш хусусида йўл-йўриқлар беришяпти.

— Банкимиз нуфузи ошиб боряпти. Мижозларимиз кўпайяпти, — дейди хурсанд бўлиб банкнинг етакчи мутахассиси Ойбек Отамуродов.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳукм қилинди

ШАЙТОНГА ДАРС БЕРГАНЛАР

Муқаддам судланган, ўзининг яқин дугонасини чув туширган Фарида Тошматова бир сўз билан айтганда фирибда шайтонга дарс берадиган хилидан.

Фарида Андижон шаҳридан. Турмуш ўртоғи, яқинлари билан ўзаро келиша олмасдан, маҳалладан бош олиб чиқиб кетган. У яқин таниши, сирдош дугонаси Бўз шаҳарчасида яшовчи Гулбаҳор Абдуллаеваникидан вақтинчалик паноҳ топади. Дугонасига ўз уйига сиғмай қолганлигидан ҳасрат қилади.

Иссиқ жон. Гулбаҳор тўсатдан касал бўлиб қолади. Фарида дугонасининг ўзига бўлган ишончини тўла қозониш мавриди келганлигини англаб, елиб-югуриб, беморни шифохонага ётқизишга кўмаклашади. Шундан сўнг Гулбаҳорнинг хонадонида якка-ёлғиз яшай бошлайди.

Фарида «дўстингдан топ» нақлига амал қилиб, дугонасининг мол-мулкига кўз олайтира бошлайди. Дастлаб, «Весна» маркали телевизорини аравачага жойлаб, кўчага отланди.

Буни кўрган қўни-қўшниларга: «Яхши кўрсатмаяпти. Устага олиб кетяпман», — дейди. Икки мингга пуллаб уни ўз эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборади.

Хонадондаги 2,5 минг турадиган яп-янги гилам, 1200 сўмлик тилло балдоғ, шунингдек, қимматбаҳо сочиқ ва чойшаблар ҳам Фариданинг кўзига ўт бўлиб кўриниб кетди... У ҳаш-паш дегунча, ўртоғининг 9300 сўмлик мол-мулкини ўмариб, таниш-билишларига сотади.

Бу ишга гувоҳ бўлган Гулбаҳорнинг қўшнилари Мария Гурбич, Галина Евсеевалар қуйидаги воқеани айтиб беришди.

— Кунлардан бир куни Фарида катта тугунни қўлтиқлаб, кўчага отланаётган экан. Нима олиб кетаётганлиги билан қизиқиб қолдик:

«Уйда кир кийимлар кўпайиб кетибди. Шуларни ювдириш учун онамникига олиб кетяпман», деди у. Жавобдан кўнглимиз тинчиди.

Ниҳоят: «беозор» дугона қўлга тушди. Тергов жараёнида у «телевизорнинг пулига қиммат-баҳо дори-дармонлар олиб берганман» деган баҳона билан қутулиб кетмоқчи бўлди. Лекин Гулбаҳор ва унинг укаси Озодбек Фариданинг касалхонага ҳеч қандай дори-дармон олиб бормаганлигини исботлашди. Фарида айбини бўйнига олди...

Фарида дугонасининг ишончини қозониб, кейин унга панд едирган бўлса, эндигина 21 ёшга тўлган Озодахон Ҳасанова яқинларига «қоғоздан дўппи» кийдириб кетмоқчи бўлди. У қариндоши Гулнора Нуриддиновникида ижарага яшаб турувчи талаба Маҳфуза Ҳожимуродованинг баҳоси уч юз сўм турадиган қишлик этигини кийиб кетади.

Бу ҳали ҳолва экан.

Озодахоннинг нафси кундан-кунга ҳаккалак отарди. У пайт пойлаб юриб, Намунахон Тангированинг уйига ҳеч ким йўқлигида келади. Уй калитини кўз остига олиб қўйган жойдан олиб, дарвоза қулфини очади. Сандиқдан баҳоси уч минг турадиган норка ёқали пальтони олиб чиқиб кетади.

Воқеадан хабар топган Намунахон ва унинг куёви Анваржонлар (улар ҳам Озодахоннинг қариндошлари эдилар) ўғрининг уйига бориб, жувоннинг онасига бор гапни айтишади. Она эса оила бошлиғининг важоҳатидан қўрқиб, ўғриликдан отани хабардор қилишни пайсалга солади.

Кўза кунида синади. Озодахон ўзига ўхшаш дугоналари билан Шаҳрихон шаҳрида «сайр қилиб» юрганида, милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ҳақ қарор топди. Одил суднинг ҳукмига кўра, ўғриликка қўл уриб, ишламасдан тишламоқчи бўлганлар — Фарида Тошматова, Озода Ҳасановалар узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

Жойлардаги хотин-қизлар кенгаши, қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ўзлари яшаб турган жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳақида тушунтириш ишлари олиб борсалар, содда аёлларни ҳушёр ва зийрак бўлишга даъват этсалар, бу каби нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўларди. Турмушдаги салбий ҳолатларга қарши ҳамкорликда иш олиб борилсагина, кўзланган мақсадга эришилади.

Ушанда фирибда шайтонга дарс берадиганлар ҳам ижтимоий фойдали меҳнатга қўл урган бўлишарди.

Ф. ШАМСУДДИНОВ,
Бўз тумани халқ судининг раиси
Ҳасанбой РУСТАМОВ,
журналист.

ЖАРҚЎРҒОН НИМАГА ЎРМАЛАБ ҚОЛДИ?

Мухбиримиз бонг уради

Сурхондарёликлар Жарқўрғонни тоши ҳамиша қирга (баландликка) ўрлаган туман деб таърифлаб келишади.

Тупроғи тўла унум. Одамлар меҳнат қиляпти.

Дарвоқе, меҳнатнинг азизлигини кўрингки, одамлар уни қушиқларга, достонларга солиб куйлайдилар.

Бироқ кейинги пайтда жарқўрғонликлар ўз меҳнатининг баланд пардаларга тушмаётганидан гоҳи ҳайратга тушиб, гоҳи бош чайқаб гапирадиган бўлиб қолишган.

Айниқса, деҳқонларининг ер чизиб гапиришини кўрсангиз.

Ғаллачилигини олинг.

Туманда бу йил давлатга ғалла сотиш режаси айтиш мумкинки, амал-тақал тарзида бажарилди. Кўнгилга ботадиган бу иборани иншо қилишимизнинг боиси шуки, хўжаликлар омборга ғамлаб олган уруғлик заҳира қандай қилиб бўлсада режани бажариш усулига қурбонлик қилинди: кўпгина жойларда уруғлиқ сипириб-сидириб дон қабул қилиш корхонасининг тарозисидан ўтказиб юборилди. Туман прокуратурасининг ҳисоб-китобларига қараганда, шунинг эвазига хўжаликларда режада белгиланганидан 1537 тонна уруғлик жамғарилмай қолди.

Бош ёрилса дўппининг остида дейдилар. Бироқ дўппи билан ёпилган жароҳат оғриғи бугун ғалла экканларнинг ва яна ғалла экаётганларнинг суяк-суякларидан ўтиб кетмоқда. Тинка-мадорини қуритмоқда. Ахир хўжаликлар узоқ-узоқлардан килосига 35-40 сўмдан тўлаб уруғлик харид қилмоқдалар.

Туман ғалла режасини уруғликни қурбонлик қилиш эвазига эмас, мўл ҳосил етиштириш эвазига бажарса бўлармиди деган гапга вақтида яхши ишлаган, гектаридан 40-50 центнердан хирмон кўтарган одамлар бўлмасачи деб жавоб қиладилар. Лекин бўлмай қолди. Бўлмай қолгани... жумбоқ.

Жарқўрғоннинг пахтачилигида ҳам жумбоқлар кўпайиб кетаётганга ўхшайди.

Жарқўрғонликлар пахта тайёрлаш режасини илгари биринчилардан бўлиб бажарардилар.

Икки-уч йилдан бери бўлса манзара бошқача. Аввалги пешқадамликларини эслатсангиз, эндиликда, яхши от кейин чопади, деган мақолни эсингизга солиб қўядиган бўлишган.

Ўтган 1995 йилги пахта мусобақасида лекин шундай бўлди. Сентябрь-октябрь ойларида мудраброқ турган пахта тайёрлашдаги кунлик суръат ноябрнинг қировли кунларига келиб фавқулодда йўртиб кетди. Маълумотлардаги рақамлар терим суръатига ва ҳатто оддий мантиққа мос келмаслиги билан одамларни ҳайратда қолдирди.

Кичик бир мисол: 1995 йил 15 октябрь куни йиллик режанинг 0,86 фоизи миқдорида пахта тайёрлаган туман 16 октябрда нима бўлди-қўйди, суръатни 1,69 фоизга кўтарди. Ва 17 октябрь куни суръат яна шиғ этиб 0,51 фоиз бўлди. 17 октябрь куни маълумотлар бўйича хўжаликлар тайёрлаган пахта 250 тоннани ташкил қилган. Тегишли ҳисобдонлар бўлса эҳтимол бир кун илгариги «сакраш»нинг пойини текисламоқ учунми туман бўйича жами рақамни 171,3 тонна қилиб кўрсатишган.

Дўппи остига яширинган бу жароҳатлар асорати пахта тозалаш заводига жабр бўлиб тушгандай бўлди.

Пахта йиғим-терим мавсуми бу йил ҳам катта сафарбарлик билан давом этаётгандай: бозорлар ёпилган. Вилоят марказидан келган бир вакил бир йиғилишда кўрсаткич бармоғини ўйнатиб ички ишлар бўлимига йўл четидаги тарвузфурушларни ҳам кўздан пана қиласан деб кўрсатма қилди. Кунда мажлис. Кунда муҳокама. Ҳамма пахта терсин. Термасаям гўё ҳамма бозор-ўчарини йиғиштириб қўйиб пахта теримига шўнғиб кетгандай бўлиб кўринсин. Шоядки, пахта кўпайса. Режа тезроқ бажарила қолса.

Уҳ, қани эди бозорни ёпиб қўйиб пахта териш тажрибаси деҳқончилик маданиятининг бир усули ҳисобланса. Ҳосилни кўпайтиришга асқотса. Асқотмас экан-да. Асқотганда эди Жарқўрғон бу йил ҳам спортчиларнинг таъбири билан айтганда пахта тайёрлаш турнир жадвалининг подавони бўлиб ўтирмас эди.

Чорвачиликка бир назар: сентябрдан сентябргача (бир йилда) туманда қорамол 1265 бошга, майда мол 18217 бошга камайиб кетди. Хўжаликларда ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут шу даврда — бир йилда 300 килога етиб-етмай қолди. 39 та ҳиссадорлик жамияти ва хусусий ферманинг вақтида хўжаликлардан қабул қилиб олган 5380 та қорамолидан 1501 таси асоссиз равишда ўзлаштирилиб: йўқ қилиб юборилган.

Чорвадаги ва хусусий тадбиркорликдаги вазиятни ифодаловчи маълумотларга яхшилаб кўз солсангиз, гўё уларнинг ҳар бир сатридан битта фельетон кўкариб чиқади. Кичик бир мисол: тумандаги 92 та кичик, қўшма корхона ҳамда деҳқон-фермер хўжалиги икки, ҳатто уч йиллаб истиқболстат ва солиқ идораларига ҳисоб бермаганини нима деб тушуниш мумкин? Ҳатто туман прокуратурасининг огоҳлантиришидан сўнг ҳам ҳокимлик чўнтагида муҳр-штампасию ўз манфаатига ишлашга фаҳм-фаросати бор тадбиркорлардан отинг нима деб сўрамади.

Нақд пулга нисбатан эмиссия даражасининг эса айтгилиги йўқ. «Пахтабанк» бошқарувчиси вазифасини бажараётган Х. Хўжановнинг айтишича, бюджетнинг нафақахўрлардан қарзи октябрь ойининг бошига келиб 40 миллион сўмдан ошди. Ўзини ҳамон колхозчиман деб юрган одамлар йиллаб ойлик маошини олиша олмайди. (Туман хўжаликларининг деймизми ёки банкнинг деймизми деҳқону чорвадорларнинг маошидан қарзи 80 миллион сўм атрофида.)

Аввал ўзи бошқарган хўжаликни илғорлар даражасига кўтарган ва ҳозирги қолоқликдан чини билан боши қотган раис Қурбон Тошболтаев билан суҳбатлашдим: — 500 гектар суғориладиган еримизнинг суғориш шароити ёмон, — дейди у. Боботоғ деган массивда қурилганига бир неча йил бўлган бўлсада, ҳали сув кўрмаган (сув оқмаган) лоток ариқлар бор. (Бу ариқларга сув ўзи юрмайди). Бу ерларни ким ўзлаштирган, кимлар қабул қилиб олган, ҳайрон қоласиз. Бунақа бош оғриқ гаплар бошқа хўжаликларда ҳам йўқ эмас.

Яна кимлар ишларни режалаштиришдаги илмийлик ва изчиллик йўқлигидан нолиб қолишади. 200 гектар пахта эккан хўжаликка: масалан аввалига 1,5 минг тонна пахта етиштириш шартномаси пеш қилинади. Ва орадан маълум муддат ўтиб ўша 1,5 минг тоннадан бир қисмини чегириб, чегирилган тоннани бошқа бир хўжаликка лоп этказиб ёпиштириб қўйилади.

«Сурхон» ширкатлар уюшмасини олинг: пахта экишга ажратилган ери дастлаб 1270 гектарми эди. Давлат шартномасида кўрсатилган ялпи ҳосил етиштириш 7121 тонна. Гектаридан 56 центнердан ҳосил олсину истаса марҳамат қилиб, режасини бажарсин.

Режани, айниқса пахта тайёрлаш режасини бажаришни ким ҳам истамайди дейсиз. 56 центнерлик гапга кўзи етмаган ва айни пайтда ер чизиб қолишга кўзи учиб турмаган уюшма табиийки, сўнгги чорани қўллайди: чорванинг ризқини қийиб беда ёки макка экишга ажратилган ернинг бир қисмида (ёки кўпроқ қисмига) чигит кўкартиради.

Шу йил 23 сентябрь куни туман ҳокимлиги раҳбарман деганни йиғиб мажлис қилди. Туман деҳқончилик саноати уюшмаси раиси Чори Чўтпўлатов мажлисга келмади. Билишимча, шундан кейин ҳам қанча кундир ишга чиқмади. Бу ҳолни одамлар тумандаги нуфузли раҳбарлардан бири бўлмиш Чўтпўлатовнинг туман иқтисодиётини бошқаришнинг ҳозирги йўналишларига одоб билан кўрсатган эътирози деб тушундилар.

Иш ҳақини вақтида олса-олмаса бир кун ҳам прогул қилмай ишлайдиган трактор-чи билан гурунглашиб қолдим. Тракторчи бизда раҳбарлик мурватлари бўшашиб кетди, мухбир ака. Туманимиз шатакка олинган трактордай судратма бўлиб қолди, деди.

Бунчалик ҳам касбига мос ифода билан, нишонга уриб гапирмаса у!..

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТЕМУРНОМА

Бугунги кунда инсонпарварлик, демократия ва интеграция тушунчаси маданийлашаётган дунё халқлари маънавий ва маданий ҳаётининг ажралмас бир талаби бўлиб қолди. «Ватанни севмоқ имондандир!» деган муқаддас ибора ўтмиш авлодларимизнинг қон-қонига сингиб кетган бўлса-да, биз турли сабабларга кўра узоқ йиллар давомида ўз Ватанимиз тарихининг зарварақларини қандай бўлса шундай ўрганиш имкониятидан бахраманд бўлмасдан келдик. Жумладан, Амир Темур даври тарихини ўрганиш борасида берилган «илмий-методик кўрсатма»ларда Соҳибқиронга нисбатан ҳар қандай инсофдиёнат меъёрлари бузиб кўрсатилди. «Ўзбекистон тарихини ўқитиш методикаси» номли антиқа китобда «Темур давлатининг ташкил топиши»га бағишланган дарсда Темур шахсига характеристика беришда мутлақ сохталаштиришга қаратилган ғайри илмий панд-насиҳатдан иборат кўрсатмаларни минг-минг нусха китобларда тарғиб этишгача бордик.

Истиқлолимиз шарофати билан биз қадимий миллат сифатида ўз-ўзимизни англаш, миллий уйғониш, миллий ифтихоримизни яна юксак чўққиларга кўтариш имкониятига эга бўлиб, жаҳон цивилизацияси билан ҳамоҳанг қадам ташлаб, жамиятимизнинг ҳамма жабҳаларида, жумладан она Ватан тарихимизни ўрганишга авваламбор инсонпарварлик, демократик ва интеграцион ёндашиш мавридигача етиб келдик.

Хорижий мамлакатларда Темур ва темурийларга муносабат XVI асрдаёқ адабиётчи ва тарихшуносларнинг диққат- марказида бўлиб, унга бағишлаб тарихий ҳақиқатни тараннум этувчи қатор асарлар яратилган. Парижда Амир Темур хотираси учун ҳайкал ўрнатилиб, унинг пойига «Европанинг халоскорига!» деб ёзиб ҳам қўйилган. Бундан ташқари ҳозирги кунда ҳам «Темур ва темурийлар ассоциацияси» темурийлар меросини атрофлича ўрганиш бўйича матонат билан маълумотлар йиғиб келмоқда. Яқинда шу ассоциациянинг раиси Д. Кэрен Амир Темурнинг Европа давлат арбоблари билан олиб борган ёзишмаларини жамлаб, «Темур» номли йирик монографиясини нашрдан чиқарди.

Рус олимлари В. В. Бартольд, И. И. Умняков, Б. Д. Греков, А. Ю. Якубовскийлар Амир Темур ва унинг ҳукмронлик даврига бағишланган қатор нодир илмий асарлар яратдилар. «1395 йилда Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси, — деб ёзади А. Ю. Якубовский. — Астрахань ва айниқса, Олтин Ўрда пойтахти Сарой Беркانинг хароб қилиниши ва ёндириб юборилиши фақат

АДОЛАТ–

Ўрта Осиё ва ўша вақтдаги Жанубий Европа учунгина эмас, балки Русь учун ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Тўхтамишни енгиш билан Темур Русь ерига ҳам объектив суратда катта хизмат қилган.

Энг асосийси Европа

ҚОНУН

мамлакатларида Соҳибқироннинг давлат, армия, хўжалик, қурилиш ва маданий яратувчилик соҳасидаги кўп қиррали беназир фаолиятига бўлган цивилизацион ёндашувлар уларнинг шу соҳалар бўйича олиб

БЎЛГАН

борган амалий фаолиятида кўп маротаба қўл келган. Бу борада рус генерали М. И. Иваниннинг ўтган асрда чоп этган бир асаридаги қуйидаги фикрлар ибратга моликдир: «Темур гапига қараганда, — деб ёзади Иванин, — сиёсат билан мақсадга эришиш мумкин бўлган ҳолатда қурол билан ҳаракат қилиш ноўриндир. Уруш бошлашдан аввал душман қўшинларининг қурол ишлатиш усулларини билиб олиш, душман қўшинларининг руҳий кучларига таъсир кўрсатишнинг самарали воситаларини топа билиш айниқса душман ҳокимлари ва лашкарбошилари фазилатларини ҳисобга олиш керак. Бугунги ишни эртага қолдирмаслик керак».

Амир Темурнинг ҳарбий санъат бобидаги таълимотини ҳарбий мутахассислар яхши биладилар. Яна бир ибратли сабоқ. Амир Темур армияда жисмоний жазо беришни ёқтирмагани учун уни тақиқлаб қўйганди. «Ҳокимияти қамчидан кучсиз бошлиқ ўзи эгаллаб турган лавозимга лойиқ эмас» дер эди.

Амир Темурнинг тахтга чиқиши ҳам давлатчилигимиз тарихида ўзига хос янги саҳифаларни очди. 1370 йилда Темур Балхни эгаллаганида маккалик Мир Саид Барака унга ҳокимият рамзи — дўмбира билан байроқни топширган. Энди навбат тахтни эгаллашга келди. Шунда Темурнинг пири Мир Саид Барака унга бу борада Қурултойнинг розилигини олмоқ зарурлигини уқдираги. Орзиқиб кутилган Қурултой 1370 йил рамазон ойининг 10-кунига тўғри келади. Қурултой йиғинларида Темур юксак ғалабага эришади. Тантанали онлар бошланади. Шунда Мир Саид Барака ерга тўшалган оқ кигиз ёнига Темурни етаклаб келиб, уни қадимий тахти равонга чиқармай туриб Мовароуннаҳр ва Олий вилоят элчиларига қарата: «Сизлар ҳукмронингиз бўлишимни истайсизму?» — деб сўрашга даъват этади. Шунда Темурнинг саволи тугар-тугамас унинг овозини сон-саноқсиз товушлар босиб кетади: «— Темур! Сен бизнинг жанобимизсен!». «Сен исломнинг қиличидирсен!». «Сен зафаридирсен!». Мир Саид Барака йиғилган халқ олдида сайлов синовларидан ўтган Темурга қарата — «Сен Пайғамбарнинг ердаги соясига айлангач, сен учун Аллоҳнинг иродаси ва адолат қонун бўлган. Шуни ёдингда маҳкам тутгилки, адолат ишини йўқотгандек бўлсанг, сени шоҳлик мартабасига кўтараётган мана шу кигиз парчасидан ҳам маҳрум бўласан!». Соҳибқирон умр бўйи ўз қасамига содиқ қолди...

Турғунхўжа ТОШПЎЛАТОВ,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти доценти.



АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

КОБУЛ. (Си-Эн-Эн). Шу йилнинг сентябри охирида Кобулни эгаллаган толибонлар мамлакат пойтахтини 20 километр яқинликка келиб қолган ҳукумат қўшинларидан ҳимоя қилишга чоғланмоқдалар. Шаҳардаги кўплаб дўконлар ва савдо расталари ёпиб қўйилган. Кузатувчиларнинг таъқидлашларича, толибонлар кейинги кунларда аҳолига нисбатан янада кўпол муомалада бўлмоқдалар.

КОБУЛ. (Франс Пресс). Мамлакат пойтахтига Покистон ташқи ишлар вазири Н. Барбар бошчилигидаги юқори доирадаги делегация ташриф буюрган. Расмий манбаларнинг хабарига кўра, Покистон делегацияси Толибон раҳбарлари билан музокаралар ўтказиши кўзда тутиляпти.

СУРАТДА: Кобул остонасида.
Ассошиэйтед Пресс олган сурат.

ҲАЁТ ТАРЗИ ПАСАЙМОҚДА

Софияда аҳоли яшаш тарзи 1996 йилга келиб уч бараварга ошди, деб хабар қилади «Континент» газетаси.

Тўрт кишилик оила йилига киши жон бошига 991,522 левдан (4,593 доллар) сарфлайди. Шу йил сентябрь ойида ҳар кишининг сарф-харажати 20,658 левни ташкил этган бўлса, шу маблағнинг тенг ярми озиқ-овқат маҳсулотлари учун кетади. Болгарияда айниқса, аҳоли кўп эҳтиёж сезадиган нон ва пишлоқ маҳсулотларининг нархи охирги уч ойда икки баравар ошганлиги аҳоли турмуш даражасининг пасайишига сабаб бўляпти. Шу жумладан, «Дума» газетасининг ёзишича, Болгарияда охирги етти йилда туғилиш 600 минг нафар кишига камайди.

Аҳоли орасида ўтказилган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, этник тузилиш бузиляпти. Болалар ўртасида енгил-елпи яшашга ҳавас ортяпти, наркотик моддалар истеъмоли, жиноий ишлар содир этиш ҳоллари ҳам кузатиляпти.

РИМ ПАПАСИ СОҒАЙИБ ҚАЙТДИ

Рим папаси Иоан Павел сешанба куни Ватиканга қайтди. Павелни жарроҳлик йўли билан даволаган врачнинг таъкидлашича, қариянинг аҳволи яхши.

76 яшарлик Рим папаси шифохонадан соғайиб чиқсада, бундан буён қатъий врач назорати остида яшаши таклиф қилинди.



Ўзбекистон тарихи жуда қадим ва абаддир.

TNT PRODUCTION INC. TNT PRODUCTION INC. TNT PRODUCTION INC.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИНИНГ ИККИНЧИ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ

"Ўзэкспомарказ"
4-5 павильонлар

CONSUMER EXPO
Uzbekistan

1996
5-8 ноябрь
Тошкент шаҳри

КЎРГАЗМАДА

АҚШ	ГЕРМАНИЯ	ФРАНЦИЯ	ИТАЛИЯ
АНГЛИЯ	ИСПАНИЯ	ДАНИЯ	БЕЛЬГИЯ
АВСТРИЯ	ГОЛЛАНДИЯ	ТУРКИЯ	ВЕНГРИЯ
ГРЕЦИЯ	СИНГАПУР	ГОНКОНГ	ЧЕХИЯ
ҲИНДИСТОН	ШВЕЙЦАРИЯ	БАА	ЯПОНИЯ

етакчи фирма-ишлаб чиқарувчиларининг маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўргазмада қатнашиш учун аризаларни қуйидаги факслар бўйича юборинг: 7/3712/ 33-05-97, 89-16-76

Халқаро телефон: /3712/ 89-16-76

Почта қутиси: Америка бизнес маркази /АБМ/

Буюк Туron кўчаси, 41

Қўшимча ахборотлар олиш учун қуйидаги факс/телефон бўйича мурожаат этинг: 7/3712/ 62-97-57

СИЁМ ЭГИЗАКЛАРИ

Бола уларни «ажратди»

Дунёдаги қуш нарсани яқинингиз билан бўлишишингиз мумкин. Лекин шундай азиз туйғу ҳам борки, уни ҳеч ким билан баҳам кўролмайсиз.

Аёл ҳеч қачон муҳаббатини «бўлишолмайди». Ҳатто эгизаклар ҳам. Роза ва Жозефа Блазек эгизак бўлгандаям қўшалоқ. Улар битта танага бирлашган. Белидан товонигача битта «тана»дир, яъни сиём эгизаклардир. Бир қарашда ғайри-оддий ҳодисадек кишини ҳайратда солади. Муъжиза. Европа эстрадаси «қўшалоқ юлдузи». Ҳатто улар ҳам севгисини «баҳам» кўришолмаганди. Муҳаббат уларни (бир танани-я!) бир-биридан бегоналаштирди... Аёллар билан яқинроқ танишайлик. Шунда уларни тушунишимиз осонроқ назаримизда.

Роза ва Жозефа 1878 йилда туғилган. У пайтда ҳали тиббиёт эгизакларни ажратиш тараққиётига эга эмасди. 1892 йилда сиём эгизаклари Париж саҳнасига илк бор чиқишди. Бири скрипка чалса, иккинчиси ксилфон, лекин иккисиям моҳир раққоса эди. Блазеклар эстрада услубидаги мусиқаларга рақс тушишарди. Тезда улар «қўшалоқ юлдуз» номи билан шон-шуҳратга бурканишди. Кўп бахтли, сурурли даврлар суришди...

Лекин муҳаббат не-не кишиларнинг бошига мушкулотлар солганидек, бу синов эгизакларниям четлаб ўтмади. 1910 йилда уларнинг ҳаётида «ажралиш» рўй берди. Бу ҳақда газеталар шов-шув кўтариб ёзишдиям. Розанинг ҳаётида қувончли воқеа — фарзандлик бўлди. У «ўз шахсий ҳаётига» эга бўлди. Жозефа эса бундан ўзига фожиа ясади... Аслида Франсель ҳар иккисини баб-баравар севишига қайта-қайта онт ичарди. Лекин Жозефа Розанинг боласига «қўшни» боладек қаради. Газеталарда шунақа деб ёзишдиям. Ҳар хил майда гап-сўз, ғийбатлардан қутулиш учун Роза ва Франсель Қўшма Штатларга жўнаб кетди. Жозефа эса... Уларнинг «ортидан» боришга мажбур бўлди-да.

Ҳамма маш-маша янги ватанда бошланди. Эр ғалати аҳволга тушиб қолди. Чунки уларнинг никоҳини бирорта судья расмийлаштиришга розилик бермади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, бир танада икки инсон «яшаса», қандай қилиб бирини унга «хатлаб» беришсин....

Эгизаклар шу аҳволда умрларининг охиригача бир бирларига ёвлашиб яшашди. Ғалати эгизаклар Чикагода 1922 йилда оламдан ўтишди.

Ҳаёт баъзан шунчалар шафқатсизки, у на ҳақни, на ноҳақни сийлайди. Савалайверади аёвсиз. Қисмат инсон билан туғилар. Лекин баъзан одамларнинг ўзаро муносабати қисматдан ҳам мушкулдир. Ҳа, Жозефа ҳам шум тақдиридан нолимагандир, у фақат тақдири азалнинг қалтис ўйинидан азият чекди, холос.

КРОЛЛЕРГА АТАЛГАН ЧА-ЧА-ЧА!

Мусиқа инсон қалбига сингиб кетади. Завқ-шавқни уйғотади. Моҳир раққоса ёки раққос бўлмасангиз-да, дилга яқин мусиқа чалинса, табиийки, ўйинга тушасиз. Табиатда муъжизалар кўп. Эгизаклар, айниқса, ғайриоддий эгизаклар шундайдир. Лекин улар ғайри-оддий кўринишса-да, қалбларида севги, меҳр, нафрат, шафқат ҳисси сизу бизникидан заррача фарқланмайди. Мусиқаниям шундай, биздек қабул қилади.

Бобби ва Эд Кроллерлар ҳам шундай-эгизак, қўшалоқ. Кроллерлар Нью-Йоркдаги тунги клубнинг машҳур раққослари. Бахтиёр улар. Ғайри-оддийлиги аввало, уларнинг беллари бирлашган. Улар ҳеч қачон бир-бирини кўрмаган, яъни юзма-юз бўлишолмайди. Эгизаклар икки тан асли. Фақат сўнгги умуртқа поғонасигина «ёпишган».

— Орамизда телепатик алоқа бор, — деди Эд. — Биламан, ҳозир Бобби қаёққа қадам ташлашини. Уям сезиб туради мени. Бу ҳаётимизда асосийси эмас, тунги клубимизнинг аъзолари, ғўзал фаришталар биз билан рақс тушишни исташади. Улар бизга шунчаки «қизиқиб» интилишмайди, баъзилар ҳатто бизга севги изҳор этишади. Кўнгил учун эмас, чин қалбдан. Биламиз. Кўплаб танлов ва конкурсларнинг совриндоримиз. Клубимизнинг 237 нафар қатнашчиси, бари бизнинг ашаддий мухлисимиз. Бахтлимиз!

Бир қарашда уларнинг ўйинлари ғалатидек туюлади. Иккиси икки томонга қараб юрса, бири юрганда иккинчиси тисланса...

— Биз мўлжал олишда

Ғаройиб дунё

ҳеч ким қийналмаймиз, — дейди репортёрларга Бобби. — Нимасига ажабланасиз? Эд олдга юрганда мен «орқа»га юраман. Аслида бизда «олдга» ёки «орқа»га ҳаракат қилишнинг ҳеч қандай фарқи йўқ. Рақс бошлашдан олдин ҳаёлан боғланамиз: «Эд, ча-ча-ча. Кетдик!» Бўлди, вассалом. Мусиқа бошлангач, биз борлиқни, ҳатто бир-биримизни унутамиз. Вальс, фокстрот янграётганда бошқа нимани ўйлаш мумкин?! Эҳ, ҳозир ча-ча-ча бўлсами?!

Ҳа, сиз ҳам тасаввур этинг, ҳозир Бобби ва Эд Кроллер учун ча-ча-ча янграйди. Майли, янграсин, ахир мусиқа эгизаклар дилига фақат шодлик бахш этиб қолмай, ҳаёт маъмунини ҳам олиб киради.

Дилдаги гаплар

АЁЛ ОЛАМНИ ТЕБРАТАР

Истиқлол бизга нима берди? Ўзингиз бир мушоҳада қилиб кўринг. Яқин-яқингача биз мўътабар анжуманларда мустақил давлатнинг мухтор вакиллари сифатида иштирок этишни хаёлимизга келтирармидик? Не бахтки, ўтган кузда Пекинда бўлиб ўтган хотин-қизларнинг IV Умумжаҳон анжуманида Ўзбекистон аёлларининг овози баралла янгради. Эндиликда республика хотин-қизлар қўмитасида АҚШ ва Покистон, Хитой ва Франция, Ҳиндистон ва Германия, Италия ва Эрондан келган дугоналаримиз билан учрашув одатий ҳолга айланмоқда.

Қатрада қуёш акс этади, деган пурмаъно гап бор. Бу борада Акмал Икромов тумани хотин-қизлар қўмиталари, фаоллари амалга ошираётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар аёл ўзини жамиятнинг тўлақонли, фаол аъзоси деб ҳис этишига кўмаклашяпти. 35 нафар ишбилармон опа-сингилларимиз бош қўшган «Тадбиркор аёл» уюшмамиз ўзини ижтимоий меҳнат фаолиятисиз тасаввур эта олмайдиган дугоналаримизгагина эмас, уйда ўтириб қолган болали оналар учун ҳам ўрнак бўляпти. Уюшма ташаббуси билан кичик корхоналар очиляпти, қўшимча иш жойлари ташкил этилмоқда, касаначилик равнақ топяпти. Хусусан, туманда рўйхатга олинган 450 та хусусий, кичик ва қўшма корхонадан 55 тасини аёлларимиз бошқаряпти.

Туман хотин-қизлар қўмитаси аёллар ижтимоий ҳимоясини кучайтирмоқда. Яқинда 200 нафар фахрий учун байрам кечаси ташкил этдик, Совғасаломлар улашдик. Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик жамғармаси билан ҳамкорликда туман маданият ва истироҳат боғида ўтказилган «Меҳр» байрами ҳам элликта маҳалладан келган кам таъминланган оилалар учун ҳақиқий шодиёнага айланди. Ҳар бир оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, моддий ёрдам берилди.

Вилоят, шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталарига катта ваколат берилгани боис улар кўп ишларни мустақил бажаришмоқда. Аммо, рўйи-рост айтадиган бўлсак, мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаяпмиз. Жумладан, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласини олайлик. «Ўзбекистон овози» газетасида эълон қилинган «Қоп кўтарган аёллар» мақоласини фаолларимиз ўртасида муҳокама қилдик. Унда куюнчаклик билан ёзилганидек, тадбиркорликни фақат хориждан мол келтириб сотиш, деб тушунаётган аёлларимиз кам эмас. Бироқ ўзимизда ҳам худди шундай бежирим моллар ишлаб чиқариш, аҳоли хизматига ҳозиру нозир туриш билан ким шуғулланади? Нима учун ҳар бир маҳаллада кичик қўшма корхона ташкил этишдаги ташаббускорлигимиз етарлича бўлмаяпти? Умуман, ўз ишини бошламоқчи бўлаётган опа-сингилларимизга бозор иқтисодиёти шароитида қандай ҳаракат қилишни ким ўргатади? Уларга банкдан қарз олишда, моддий техника ресурслари топишда ким кўмаклашади? Ўз ёғига ўзи қовурилиб ётган ишбилармон аёлни кўрган унинг дугонаси ёки қўшниси тадбиркорлик билан шуғулланишга журъати етадими? Шундай экан, биз кўпроқ тадбиркор бўлишга ҳаракат қилаётган хотин-қизларимизни ўқитишимиз, уларга ёрдам беришимиз керак.

Бир гуруҳ аёллар яқинда Америка Қўшма Штатларида бўлдик. У ердаги турмуш тарзи билан танишдик. Ҳақиқатан ҳам америкаликлар турмуши фаровон, рўзғори бутроқ. Бу ниманинг шарофати? Аввало унумли ва онгли меҳнатнинг. Америкалик дугоналаримизнинг аксарияти ишда ҳам, уйда ҳам бирор дақиқани беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қилишади. Корхоналарида меҳнати унумли бўлиши учун энг замонавий машина-ускуналар ўрнатилган. Уйда рўзғор ташвишларининг деярли ҳаммаси ана шу ақлли машиналар зиммасида. Ишда ҳам, уйда ҳам қўл меҳнати йўқ ҳисоб. Юмушлари енгил бўлган америкалик аёлларнинг малакасини ошириш, дунёқарашини кенгайтиришга имкониятлари кўпроқ. Улар бундан тўлақонли фойдаланишга ҳаракат қилишади. Шу боис бўлса керак. АҚШ уй бекаси, айтайлик, фирма раҳбари билан деярли бир хил фикр юритади. Ишончим комилки, истиқлол қишлоқ аёлларимизнинг ҳам пешонасини силайди. Президент кўрсатмаларига амал қилиб, ҳар бир хўжалик ёки қишлоқда кичик ва қўшма корхоналар ташкил этилса, опа-сингилларимиз учун ўзларининг ноёб иқтидорларини намоён этишларига имконият кўпаяди. Саноат ишлаб чиқариш маданияти турмуш маданиятига таъсир кўрсатмай қолмайди. Қишлоқ хонадонларида ҳам микротўлқинли печлар, кир ювиш ва ошхона комбайнлари етти иқлим наридаги дунё мўъжизаси бўлиб туюлмайди. Фақат ана шу мақсад сари астойдил интилиш, ҳаракат даркор.

Яна бир долзарб муаммо. Жамоатчи ташкилотимиз хотин-қизлар қўмиталари деб номланади-ю, аслида биз кўпроқ аёллар ўртасидагина иш олиб борамиз. Унда қизларимиз муаммолари билан ким шуғулланади? Бугунги кунда ёш оилаларнинг мўртлиги, ажралишлар кўплиги сир эмас. Бунинг сабаблари кўп. Ўйлашимча, қизларимизнинг эрта турмушга чиқаётганлиги, оила қуришга тайёр эмаслиги бу муаммонинг ўқ илдизларидан бири. Баъзан ёш ниҳол эгилувчан бўлади. Қизларимиз эртароқ оила қурса шароитга тез кўникади, деган гапларни эшитасан. Аммо улар эгиламан деб ҳаётнинг биринчи зарбалариданоқ эсанкираб, синиб қолишяпти-ку! Замонавий тиббиёт нуқтаи назаридан нима учун Дилфуза Ғуломованинг жон фидо гапларига қулоқ тутмаяпмиз. Қариндош-уруғчилик ўртасидаги никоҳ туфайли ногирон бўлиб қолаётган гўдакларчи? Туманимизда республикада ягона «Меҳригиё» клуби фаолият кўрсатмоқда. Унда туман ҳокимлиги томонидан ажратиб берилган тўрт хонали уйда махсус интернатларга бормаётган, ўрта мактабда ҳам ўқий олмаётган болаларга тиббий ёрдам кўрсатилади. Уларнинг савиясини ўстириш устида иш олиб борилмоқда. Дарсдан сўнг клубга соғлом болалар келиб уларга яқиндан ёрдам беришади. Расм чизиш, турли буюмлар ясашни ўргатадилар. Бунинг самараси катта бўляпти. Соғлом болаларнинг тенгдошларига меҳр-мурувватидан киши ҳаяжонланиб кетади. Биз катталар эса лоқайдлигимизни ҳамон йўқотолмаяпмиз.

Менимча, амалий чоралар кўриш, керак бўлса қонунчилигимизга ўзгартиришлар киритиш лозим, деб ҳисоблайман. Туманимизда Бутунжаҳон қизлар уюшмасининг миллий бўлимини тузганмиз. Унинг аъзолари сони кескин кўпайиб бормоқда. Қизлар билан суҳбатлашсанг, уларни катталар кўмагига, мулоқотга нақадар чанқоқ эканлигини ҳис этасан. Биз қизлар ичидан энг иқтидорлиларини танлаб, улардан ташкилотчилик, етакчилик қобилиятини шакллантиришга, уларнинг ҳар томонлама баркамол бўлишлари учун шарт-шароит яратиш тўғрисида бош қотирмоқдамиз. Аслида бу уюшма 70 йиллик тарихга эга бўлиб, дунёнинг 118 мамлакатида мавжуд. Истиқлол туфайли биз бир неча давлатда бўлиб, унинг фаолияти билан танишиб қайтдик. Халқаро хотин-қизлар ҳаракати фаоллари қизлар билан алоҳида иш олиб бориш кераклигини таъкидлайди. Қизлар уюшмасида тарбия топган кўплаб аёллар хорижий давлатларда катта лавозимларда ишлаяптилар. Бу масаланинг бир томони, уюшма ўз олдига қизларни оилага тайёрлаш, уни шахс сифатида вояга етказишни мақсад қилиб қўяди.

Аёл дунёни тебратар, дейишади. Ҳа, Тўмарис ворислари бўлган ўзбек аёллари ўзларининг фидойи ва жафокашликлари, истеъдодлари, меҳнаткашликлари билан энг улуғ ишларга ҳам қодир эканликларини кўп марта намойиш этганлар. Давлатимиз ва мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун юртимизнинг ҳамма ватанпарварлари ўзларини сафарбар, деб ҳис этаётган кунда опа-сингилларимиз ҳам шу халқнинг фарзандлари сифатида фидойилик кўрсатишларига шак-шубҳа йўқ.

Адолат НОСИРОВА,
Акмал Икромов тумани ҳокими муовини, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси.

Спорт

«ШАҲРИСАБЗ – ТОШКЕНТ» СУПЕРМАРАФОНИ

Буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган супермарафон иштирокчилари 15 октябрь соат 16.00 да кўзланган манзил — пойтахтдаги Амир Темур хиёбонига етиб келишди.

Марафончиларга 5 октябрь куни Шаҳрисабз шаҳрида старт берилган эди. Улар буюк бобомиз босиб ўтган йўллар — Ғузор, Қарши, Косон, Муборак, Бухоро, Ғиждувон, Қизилтепа, Навоий, Каттақўрғон, Самарқанд, Жиззах, Гулистон Сирдарё орқали 1363 километрлик йўлни босиб ўтишди.

Байрамона безатилган Амир Темур хиёбонида марафончиларни тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Карнай-сурнай садолари остида уларга гуллар тақдим этилди.

Митингни Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов очди. Шундан сўнг югурувчилар ўзлари билан олиб келишган муқаддас тупроқни бобомиз ҳайкали пойига қўйишди.

Спортчиларни республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов қутлади. Республика «Камолот» жамғармаси ва бошқа ҳомийлар ҳам марафончиларга ўз совғаларини топширишди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ.

Мушт кетди.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул),
Владимир ЧЕБОТИН
(бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Александр ТЮРИКОВ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0563
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6.
СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Қадриятларимиз

ШАЙХИСЛОМ ЯХШИЛАРИ

Иштихондаги Шайхислом қишлоғида никоҳ тўйларида машина пойгаларига барҳам берилган. Келин оддийгина фойтунда қадимий урф-одатларга кўра туширилиб келтирилади. Никоҳ тўйлари спиртли ичимликларсиз, ихчам даврада айтишувлар, рақслар билан қизиқарли ўтади. Суннат тўйларида фақат наҳор оши тортилади.

Фармон ТОШЕВ.

"ЎЗАВТОТЕХХИЗМАТ" акциядорлик бирлашмаси "ЎзДЭУАВТО" автомобилларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Телефонлар:
Тошкент (3712) 79-46-63, 79-46-62, 57-81-11, 58-33-59.
Нукус: (36122) 3-11-31, 3-11-30.
Андижон: (37422) 6-98-48, 6-93-49.
Бухоро: (36522) 4-57-45, 4-50-79.
Жиззах: (37222) 4-35-77, 4-27-78.
Гулистон: (36722) 2-44-11.
Қашқадарё: (37522) 5-64-78, 5-65-58.
Навоий: (43622) 3-30-40, 3-40-70.
Наманган: (36922) 9-46-66.
Термиз: (37622) 3-58-07.
Самарқанд: (36622) 21-37-55.
Фарғона: (37323) 7-18-85, 7-28-84.
Урганч: (36222) 5-52-40, 5-68-13.
Чиноз: (259) 3-14-13, 3-15-43.
Ангрен: (266) 2-24-00, 2-74-10.

ДАМАС

ТИКО

«С. ЛОЛА» хусусий фирмаси
АИ-80, АИ-91
(Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган)
АИ-93
(Россияда ишлаб чиқарилган)
юқори сифатли бензинни
СОТАДИ
Шунингдек, сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади.
Бензинимиз сифатига Сиз қуйидаги манзилгоҳларда жойлашган АЁҚШларимизда баҳо беришингиз мумкин:
Тошкент, Юнусобод даҳаси, 18. «Бўзсув» бекати,
Дўмбирабод даҳаси, 16-троллейбус ҳалқаси.
АЁҚШ кечаю-кундуз ишлайди.
Улгуржи етказиб беришни таклиф этамиз.
Шерикларни ҳамкорликка чорлаймиз.
Ҳақ тўлаш шакли турлича.
Телефонлар: (3712) 35-64-44 соат 9 дан 18 гача.
34-15-48, 23-20-45 кечаю-кундуз.

Диққат, обуна бошланди!
"ОБУНА -97"
"Осиё бозори"

ГАЗЕТХОНЛАРИГА

Муҳтарам газетхон!
Мана қариб бир йилдирки, "Ўзбекистон овози" газетасининг иқтисодий-ахборот, реклама иловаси бўлган "ОСИЁ БОЗОРИ" рўзномаси мунтазам хонадонингизга кириб боряпти. Ушбу газетага 1997 йил учун обуна бошланди.

"ОСИЁ БОЗОРИ"га обуна бўлсангиз:
- мамлакатдаги иқтисодий ислоҳотларнинг қандай бораётганлигидан хабардор бўласиз;
- кичик бизнесни ташкил этиш йўл-йўриқларини ўрганасиз;
- молия ва банк, солиқ тизимидаги янгиликлардан воқиф бўласиз;
- қимматли қоғозлар бозори тўғрисида кенг маълумотлар оласиз;
- ишбилармонлар эса ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўз-кўз қилиб сотиш, реклама қилиш имтиёзли имкониятига эга бўладилар.

"ОСИЁ БОЗОРИ" — СИЗНИ ЖАҲОН БОЗОРИГА ОЛИБ ЧИҚАДИ!

"ОСИЁ БОЗОРИ"

индекс: 64742 (якка обуначилар учун)			
1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
44 сўм	132 сўм	264 сўм	528 сўм

индекс: 64567 (ташкилотлар учун)			
1 ойга	3 ойга	6 ойга	1 йилга
48 сўм	144 сўм	288 сўм	576 сўм

«МЕРИДИАН-А» фирмаси
ISTIQLOL
табиий ва шифобахш «Истиқлол» Тошкент маъданли сувини таклиф этади.
Сиғими-1,5 литр, пластмасса идишда.
Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш йўли билан
Маҳсулотларни сотиш бўйича дистрибьютерлар ва агентларни ҳамкорликка чорлаймиз.
Манзил: Тошкент тумани, Тулабей жамоа хўжалиги, Собир Зокиров кўчаси, 3-уй.
Телефонлар: (3712) 45-98-28, 78-12-57, 30-40-93.
Мўлжал: «Тошкент минерал сувлари» санаторийси

Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи маъмурияти жамоаси коллеж бош муҳосиби Раъно Абдуллаевага фарзанди
ХАЙРУЛЛАЖОНнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Конструктор» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати, техника фанлари доктори Абдували Ғуломмаҳмудовга опалари
Муҳаббат ая ҒУЛОММАҲМУДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ёзувчи» нашриёти жамоаси нашриётнинг бош муҳаррири Абдували Қутбиддиновга отаси
Абдумўмин ҚУТБИДДИНОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси жамоаси Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши иккинчи котиби Абдували Ғуломмаҳмудовга опаси
Муҳаббат ҒУЛОММАҲМУДОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.